



# ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ



Илмий-амалий анжуман  
маърузалар тўплами

ҚАРШИ-2018

тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенг айтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №. ПҚ-3151-сонли Қарори. Т.27.07.2017 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва хуудларни фавқулодда ҳолатлардан муҳофаза қилиш

соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” №. ПҚ-3030 Қарори. Т. 02.06.2017 й.

## МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

доц. Ғ.Ҳалимов, доц. Ю.Тилавов, К.Ўроқов - Қарши ДУ

Ҳозирги вақтда, олий таълимда кадрлар тайёрлашнинг муҳим шарт-шароити бўлиб замонавий фан, техника ва технологияларнинг ютуқларига асосланган таълим тизимини ташкил қилиш ҳисобланади. Таълим тизими олдида турган долзарб вазифаларидан бири ўқитишда замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ) ютуқларидан кенг фойдаланиш, уларни таълим тизимида жорий қилиб бориш ва ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимини мамлакатимиз таълим тизимига тадбиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан мутахассислик фанларини самарали ўқитиш белгилайди. Мутахассислик фанларини ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги ва ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги уни умумтаълим фанларидан фарқли эканлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш амалиётлари мутахассислик фанлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади. Мутахассислик фанларидан ўқитиш услубларини танлаш ва ўқув мақсадларини белгилаш ҳам ўзига хосликни талаб этади. Ўқитиш жараёнида заонавий АКТ ни қўллаш таълим олувчилар билим имкониятлари, ижодий қобилиятлари ҳамда амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара беради. Албатта энг асосийси мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш, ўтказиш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда кенг қўлимда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Янги технологиялар кун сайин ривожланиб, мамлакатда ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ривожланиётган ҳозирги даврда таълим соҳасидаги ахборот ресурсларининг ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим жараёнида компьютердан фойдаланишнинг моҳиятини талабаларни жамиятнинг ҳар томонлама етук шахслари қилиб тарбиялаш билан тушунтириш мумкин. Компьютер ўз навбатида, табиат ёки жамиятдаги, таълим жараёнидаги ҳодиса ва жараёнларни моделлаштиришга уларни бошқаришга ўрганиш ҳамда ташхис қилишга имкон яратади.

Компьютер саводхонлигига эга бўлган ҳар бир мутахассис компьютерни бошқариш ва фойдаланиш борасида зарурий билим, кўникма ва малакага эга бўлган, унинг имкониятларидан қийинчиликсиз ўз фаолиятида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши зарур. Ҳар қандай ўқитувчи ўз предмети доирасида мана шундай компьютер билимига эга бўлиши ва ундан оқилона фойдаланиши талаб этилади. Бу эса ахборотлашган таълим жараёнида ўзига хос аҳамият касб этади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича замонавий ахборот технологияларига асосланган мультимедиа қурилмаларининг татбиқ этилиши биринчидан, таълим жараёни мазмунини бойлиги борса, иккинчидан, талабалар томонидан предметларни ўрганишга бўлган мотивация ва кизиқишлари ортади ҳамда талабалар ўртасида ҳамкорлик юзага келади.

Барча фанлар каби мутахассислик фанларини ўқитишда таълимда замонавий АКТ ларидан фойдаланиш ўз навбатида, талабаларнинг назарий билимларини пухта

ўзлаштиришига, малака ва кўникмалари шаклланишига ҳамда уларни амалиётда мустаҳкамлашга имконият яратади, турли моделлар асосида ўқитишнинг ноанъанавий шакл, услуб ва воситалардан фойдаланишга ёрдам беради, яъни:

- ахборот технологияси таълим жараёнининг дидактик мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қулай ўқув объектини танлаш ва уни лойиҳалашда қулай имконият яратади;

- ахборот технологияси ёрдамида автоматлашган ўқув ва назорат дастури ҳамда режалари мазмунини тезкорлик билан ўзгартириш имкониятига эга бўлади;

- ўқитувчи таълим олувчи талаба шахсини шакллантириш, ижодий изланиш ва фаоллигини оширишда ахборот технологиялари ёрдамида янги имкониятларга эга бўлади;

- телекоммуникацияли технологияларнинг жорий қилиниши, ўз навбатида талабаларнинг турли кўринишдаги матнлар билан ишлашлари учун кенг имкониятларни вужудга келтиради;

- талаба аудиториядан ташқари чикмаган ҳолда, дунёнинг исталган мамлакатларидаги етук олимларнинг маъруза ва амалий машгулотларидан баҳраманд бўлиш, келажакда юз бериши мумкин бўлган ходиса ва жараёнлардан хабардор бўлиш ҳамда дунёнинг машҳур кутубхоналаридан фойдаланиш ва маълумотлар олиш имкониятларига эга бўлади;

- замонавий ахборот технологияси воситалари ёрдамида талабаларнинг ўқув билимлари банки, технологик хариталарини тадқиқ этиш ва уларни ўрганишлар орқали илмий педагогик изланиш салоҳиятлари шакллана боради;

- замонавий ахборот технологияси воситаларига асосланган таълим-тарбия ишларининг натижалари уларга сарфланган кам вақт билан ўлчанади.

Хулоса қилиб айтганда мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланилиши ўз навбатида олий таълим муассасаси талабаларининг фаоллигини ривожлантиради, уларда янги тафаккурни пайдо бўлишига хизмат қилади ҳамда фанларни ўзлаштириш сифат кўрсаткичини оширишга асос бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Усмонова Г.А. Физика фанини ўқитиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. -Т.: Таълим технологиялари. №5-6, 2012. 46-50 бетлар.

### **АЛГОРИТМИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ОЦЕНКИ ЗАТРАТ НА РАЗРАБОТКУ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

**З.У.Узаков, доцент кафедры программный инжиниринг**

Оценка расходов на разработку программного обеспечения необходима для расчёта себестоимости программного продукта, назначения его цены и создания графика работ над программным обеспечением. Менеджеры проекта по разработке программного обеспечения должны быть в состоянии давать правильные ответы на такие вопросы, как 1) Какие затраты необходимы для выполнения проекта? (себестоимость программного обеспечения); 2) Сколько времени займет выполнение проекта? (создание графика работ); 3) Какова стоимость разработки программного обеспечения? (назначения его цены). Предварительные расчёты необходимы для утверждения бюджета проекта и выставления цены заказчику.

Оценка затрат на разработку программного обеспечения должна быть объективной, чтобы дать компании-разработчику достаточно точный прогноз предстоящих затрат. Поэтому модели оценки затрат основываются на фактических материалах, на статистических данных многих компаний-разработчиков. Для оценки расходов на разработку программного обеспечения применяются различные методы, в том числе алгоритмический метод. Алгоритмический метод основан на анализе большого объёма данных о ранее выполненных проектах в разных компаниях. Статистические данные обрабатываются методом математического моделирования и определяется функциональная зависимость затрат на выполнение проекта от какого-нибудь количественного показателя программного продукта.

## МУНДАРИЖА

№	Ф.И.О.	Мақола мавзуси	Бет
1.	И.Т.Улуханов А.Маткаримов Ш.Х.Хабибуллаев	5640100- хаётий фаолият хавфсизлиги йўналиши мутахассисларини таёрлашга қўйиладиган талаблар	5
2.	Ғ.Ҳалимов Ю.Тилавов К.Ўроқов	Мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг имкониятлари	7
3.	З.У.Узаков	Алгоритмическая модель оценки затрат на разработку программного обеспечения	8
4.	А.В.Худойқулов Х.А. Beshimova S. Ernaqulov	Amir Temur va Temuriylar sulolasi davrida ma'naviyat	10
5.	А.В.Худойқулов Х.А. Beshimova S. Ernaqulov	Yoshlarda ma'naviyat va iqtisodiy munosabatlar	13
6.	Акбархождаев Ш.Н. Абдурашидова К.Т.	Системный анализ как методология решения проблем	16
7.	А.Т. Худойбердиев Одилова Н.Ж. С.Ж. Тураев	Исследование радиоактивности объектов окружающей среды	17
8.	Мейлиев Л.О. Хўжамбердиева Ж.Н. Қодиров А.	Улкан протон-протон тезлатгичининг хусусиятлари	20
9.	Tursunov M.A. Ravshanov A.A.	Matlab dasturida integrallarni, trapetsiya va simpson usullarini dasturlash	21
10.	Турсунов М.А. Азизов Б.Ғ.	Компьютер тармоқлари да маълумотлар хавфсизликларини таъминлаш усул ва воситалари	24
11.	С. Панжиев Ж. Хамраев	Ахборот коммуникацион воситаларда ахборот хавфсизлиги	26
12.	Turayev S.J. Turdiyev U.Q. Ozodxo'jayev M.T.	Mars sayyorasi	27
13.	Бойқобилова Г.Т.	Операцион тизим хавфсизлиги	29
14.	Г.Б.Жамалова	Интернет маркетинг тушунчаси, моҳияти ва концепцияси	30
15.	Г.Б.Жамалова	Java script коднинг мақсади ва қўлланилиши, уни html саҳифаларда қўллаш усуллари	32
16.	И.Қаршибоева, Ж.Орзиқулов	Физикадан лаборатория ишлари бажариш да ўқувчини амалий фаолиятга тайёрлаш муаммолари	34
17.	Н.А.Жумаев А.Эшқуватов	Куёш батареяларидан кувват олиб ишлайдиган кўча ёритгичларидан бири тавсифи	35
18.	Н.А.Жумаев Ш.Доннев Ш.Б.Нусратова Ж.Турсунов	Физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи амалий фаолияти ва уни бошқариш йўналишлари	37